

II. ХАЛКАРО РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ
Факторы международного развития
International Development Factors

Р.Нуримбетов
с.ф.ф, доктори (PhD,) *Мустақил тадқиқотчи*
ЖИДУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА
ШҲТ КЕНГАЙИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) қарийб чорак аср ичида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда дунё миқёсида эг катта минтақавий ташкилот сифатида ривожланишда давом этмоқда. Бу жараён, энг аввало, ШҲТнинг кенгайиши билан белгиланади. Ҳозирда ташкилот 10 нафар доимий аъзо, 2 та кузатувчи ва 14 нафар мулоқот бўйича шерик мақомига эга мамлакатларни ўз ичига олади, яқин ва ўрта келажақда уларнинг сони янада кўпайиши мумкин.

Лекин, ШҲТнинг кенгайишда давом этиши ташкилотдаги ички вазиятга, унинг иш самарадорлигига ва умуман келгусидаги ривожланиш траекторияларига таъсири атрофидаги муноазараларнинг янада кескиналувшига сабабчи бўлиши мумкин. Зеро, хорижий кузатувчилар томонидан 2017 йилда Ҳиндистон ва Покистоннинг тузималага тўлақонли аъзо бўлиб кириши билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ички тарқоқлик кучайиб, унинг реал ҳамкорлик механизмидан сиёсий-дипломатик форумга айланиб бораётганлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда.¹

Ушбу фикрларни тўлиқ инқор қилмаган ҳолда, биз ҳам ШҲТдаги ўзига хос трансформация жараёнлари Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга

¹Bates Gill; Carla Freeman. What Does Further Expansion Mean for the Shanghai Cooperation Organization? May 30, 2024 // <https://www.usip.org/publications/2024/05/what-does-further-expansion-mean-shanghai-cooperation-organization>; Vali Kaleji. Challenges of Expanding the SCO to Caucasus and the Middle East. 28.08.2023// <https://valdaiclub.com/a/highlights/challenges-of-expanding-the-sco-to-caucasus>

тўлиқ аъзо этиб қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.² Ўзаро жиддий адоватларга эга бўлган ушбу иккала мамлакатнинг тузилмадаги иштироки атрофидаги мунозаралар ҳануз давом этмоқда. Уларни икки қутбга ажратиш мумкин – оптимистлар ва пессимистлар. Биринчи гуруҳ, яъни оптимистлар Осиёнинг икки нафар йирик мамлакатлари ҳисобига ташкилотнинг “микдорий” салоҳияти кучайганлигини таъкидлашади. ШХТнинг собиқ бош котиби Р.Алимов қайд этганидек, 2017 йилдаги кенгайишдан сўнг тузилма “соф” минтақавийга ташкилотдан глобал кун тартибига эга бўлган энг йирик минтақавий тузилмаларидан бирига айланди. Евроосиё қитъасининг катта қисмини эгаллаб турган ШХТ ҳудуди Осиё-Тинч океани, Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ минтақаларини бирлаштирувчи ўзига хос транскитъавий йўлакни юзага келтирди. Бундан ташқари, унинг аъзолари орасида Хитой, Россия Федерацияси, Покистон ва Ҳиндистон - ядровий курулға ва халқаро муносабатларда муҳим мақомга эга давлатлар.³

Масалага бошқача, тузилмадаги ички вазиятни мувозанатлаштириш нуқтаи-назаридан ёндошилса, Ҳиндистондек демократик жиҳатдан анча тараққий топган йирик давлатнинг ШХТга доимий аъзо бўлиши тузилмадаги “горизонтал” муносабатларни, яъни аъзо давлатлар ўртасидаги тенгликни мустаҳкамлайди. Россиянинг “Валдай клуби” таҳлилий-муноазара маркази раҳбари Т.Бордачёв фикрича, “Ҳиндистоннинг қўшилиши билан ШХТда бундан кейин ягона давлат (Хитой) ёки тандем (Россия-Хитой) етакчилик қила олмайдиган вазият юзага келди”.⁴ Қолаверса, истиқболда, агарда ШХТ майдончаси Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига хизмат қила олса, бу Афғонистон муаммосини ҳал қилишга ва умуман Жанубий Осиёдаги вазиятни барқарорлаштиришга ижобий ҳисса қўшилиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, Афғонистонда барқарорликнинг юзага келиши Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида бевосита транспорт ва савдо алоқаларининг ўрнатилишига, икки минтақанинг фаровонлиги ва барқарорлигига хизмат қилади. Ваоқеаларнинг бундай ривожланиши, шак-

² Rakhmatulla Nurimbetov. The Shanghai Cooperation Organization turns 20 years: its contribution to the stability in Central Asia

³Р.Алимов. Шанхайская организация сотрудничества. Глобальный профиль в международных отношениях. Издательство “Весь мир”, 2018. – 400 с. С.50.

⁴Т.Бордачёвнинг Валдай клуби томонидан 2020 йил 26 январда ўтказилган «Будущее ШОС: евразийский круглый стол или организация-призрак?» вебинардаги нутқи // <https://ru.valdaiclub.com/events/posts/articles/budushchee-shos-evraziyskiy-kruglyy-stol-ili-organizatsiya-prizrak/>

шубҳасиз, Ўзбекистон мамлакатимиз миллий манфаатларига тўлиқ мос келади.

Оптимист гуруҳ вакиллари шунингдек “дунёнинг энг катта демократияси” ҳисобланган Ҳиндистон ШХТнинг ижобий нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблашади. Бу, айниқса, ШХТга нисбатан Ғарбда танқидий фикрларнинг ҳали ҳам юқори эканлигини инобатга олганда, эътиборга молик ҳолат. Яъни Ҳиндистон ШХТнинг Ғарбга ёки НАТОга қарши қаратилган қандайдир сиёсий ёки ҳарбий блок сифатида ривожланиш эҳтимолларини қарийб йўққа чиқаради.⁵

Аксариятни ташкил этувчи *пессимистик кайфиятдаги* экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини мухтасар қилганда, азалий рақобатчи бўлган иккала мамлакат ШХТ кун тартибига ўз зиддиятларини олиб кириши билан ташкилот келажақда фалаж ҳолатга тушиб қолиши мумкин.⁶ Улар шунингдек 1985 йилда Ҳиндистон ва Покистон иштирокидаги тузилган Жанубий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ташкилотининг (SAARC) айнан мана шу икки нафар давлат ўртасидаги зиддиятлар туфайли инқирозга юз тутганлигини ҳам қайд этишади.⁷

2017 йилдан буён ШХТ фаолияти ва ундаги жараёнларни кузатиш иккала гуруҳ вакиллариининг фикр-мулоҳазалари ва башоратлари қисман ўз тасдиғини топаётганлигини кўрсатади. Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги рақобат ва адоват ҳозирга қадар ташкилотда жиддий инқирозли ҳолатларга сабабчи бўлмади. Хусусан, 2019 йил феврилида улар ўртасида рўй берган чегара можаролари ШХТнинг кун тартибига расман олиб чиқилмади. Аммо ШХТ Хавфсизлик кенгаши котибларининг 2020 йил 15 сентябрида видеоконференция шаклида ўтказилган йиғилишидаги “дипломатик нохушлик” эътиборга молик ҳодиса бўлди. Ушбу тадбирда Покистон бош вазирининг миллий хавфсизлик бўйича махсус ёрдамчиси М.Юсуф ўз

⁵Қаранг: Naveed Ahmad. India's and Pakistan's Memberships Diminishes SCO's Ability to Compete with NATO. July 18, 2017, the CACI Analyst. Ефременко Д.В. Шанхайская организация сотрудничества после расширения: новые вызовы и перспективы. // Вестник Московского Университета. Серия XXV. Международные отношения и мировая политика. 2019;11(3):128-159.

⁶Alexei Kupriyanov. The SCO and the conflict between India and Pakistan. Expert Speak Raisina Debates. Dec 08, 2020 // <https://www.orfonline.org/expert-speak/sco-conflict-between-india-pakistan>

⁷Abdul Majid. Pakistan- India rivalry hampering the SAARC to become a worthwhile forum. Journal of the Research Society of Pakistan Volume No. 54, Issue No. 2 (July - December, 2017) // https://pu.edu.pk/images/journal/history/PDF-FILES/1-Paper_54_2_17.pdf

давлатининг 2019 йилда тузилган янги сиёсий харитаси⁸ соясида иштирок этди. Бунга жавобан, Ҳиндистон бош вазирининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси А.Довал йиғилишдаги иштирокини тўхтатди ва шу тариқа норозилигини қатъий намоёни қилди.⁹

ШХТнинг кенгайиш контекстида яна бир муҳим воқеа – бу 2023 йилда Эрон Ислом Республикасининг расман ташкилотга тўлиқ аъзо бўлиб кириши бўлди. Ушбу давлатнинг аъзолиги атрофида ҳам халқаро илмий ва таҳлилий доираларда кўплаб, ҳатто бир-бирига зид фикрлар ва қарашлар ҳалигача давом этмоқда. Кўпчилик хорижий таҳлилчилар Эроннинг ташкилотга аъзолигини янги дунё тартиботи учун шиддат билан авж олаётган геосиёсий рақобатнинг, яъни АҚШ етакчилигидаги Ғарб ва Хитой-Россия тандеми ўртасидаги курашнинг бевосита маҳсули эканлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, Пекин ва Москва Ғарб билан “Украина инқироzi”, “савдо урушлари”, “санкциялар” ва бошқа зиддиятлар таъсирида АҚШнинг узоқ йиллардан бери энг ашаддий душманларидан ҳисобланган Эроннинг ШХТга қабул қилишини қўллаб-қувватлаши орқали Евроосиёда “Ғарб таъсиридан холи бўлган тартибот”ни шакллантириш истагида эканлигини яна бир марта очиқ-ойдин намоён қилишди.¹⁰ Агар шу нуқтаи-назардан қаралса, Эрон омили истиқболда гўйёки ШХТни НАТОга ва умуман Ғарбга қарши қаратилган сиёсий блокка айлантириши мумкин. Айниқса америкалик ва европалик кузатувчилар орасида Эронни жалб қилиш орқали Хитой Евроосиёда “нолиберал қадриятлар”ни ёйишга бўлган саъй-ҳаракатлари йўлида ШХТдан унумли фойдаланмоқда, деган хавотирлар мавжуд.¹¹

Бизнингча, Эроннинг аъзолиги ШХТдаги вазиятни, қолаверса унинг кун тартиби ва геосиёсий позициясини тубдан ўзгартиришга қодир эмас. Тўғри, Эрон ташкилотдан кутаётган энг асосий мақсадлардан бири – АҚШга қарши туриш салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат.¹² Лекин, Эрон -

⁸2020 йил августида Покистон томонидан давлатнинг янги сиёсий харитаси тасдикланиб, унга кўра Кашмир вилояти Ҳиндистон томонидан “босиб олинган” Покистон ҳудуди сифатида қайд этилади. Ўз навбатида ушбу харита расмий.

⁹Ajit Doval walks out of SCO meet of NSAs over ‘fictitious’ Pak map that violates norms.

<https://www.hindustantimes.com/india-news/india-walks-out-of-meeting-of-nsas-of-shanghai-cooperation-organisation-states/story-CLn2UzGwQoWfpHFsqTONRP.html>

¹⁰Hakki Uygur. The Meaning of Iran's Membership in the Shanghai Cooperation

Organization. 15/07/https://iramcenter.org/en/the-meaning-of-irans-membership-in-the-shanghai-cooperation-organization-_en-2398

¹¹ Jonathan Fulton. Iran joining the SCO isn't surprising. But Beijing's promotion of illiberal norms in Eurasia should get more attention. July 13, 2023. *Atlantic Council* // <https://www.atlanticcouncil.org/blogs/iransource/iran-sco-china-bri-illiberal-norms/>

¹² Rahul Ajnoti. Iran's Membership of SCO: Expectations vs Reality. *Indian Council of World Affairs*, 21 February 2023 6

прагматик ташқи сиёсат юритувчи давлат ва шу сабабдан, бизнингча, унинг ШХТдаги манфаатлари фақатгина “Ғарб тазйикини юмшатиш” дан иборат эмас. Фикримизча, “Шарқ томон нигоҳ” ташқи сиёсий стратегияси доирасида расмий Техрон ШХТни кўпроқ ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини ва транспорт ҳамкорлигини кенгайтириш имконияти, деб билади.¹³ Қолаверса, ШХТнинг сиёсий моҳиятини ўзгартириш – ўта жиддий масала. Агарда ташкилотда барча қарорлар консенсус тамойили асосида қабул қилинишидан, шунингдек, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг Ғарб билан ўз муносабатларини ёмонлаштиришдан манфаатдор эмаслигидан келиб чиқилса (яъни, ҳатто Хитой, Россия, Эрон, Покистон ва Беларусь ШХТни Ғарбга қарши блокада айлантириш ғоясини қўллаб-қувватлаган тақдирда), бундай жиддий масалада яқдиликни шакллантиришнинг имкони йўқ. Шулардан келиб чиқиб, Эроннинг ШХТга аъзолиги ташкилотдаги вазиятни ва унинг геосиёсий ёндошувларини сезиларли ўзгаришига олиб келмайди, деб ҳисоблаймиз.

Эроннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги аъзолиги Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари контекстида умуман олганда ижобий аҳамиятга эга, деб биламиз. Шунинг учун ҳам расмий Тошкент Эрон номзодини тўлиқ қўллаб-қувватлади.¹⁴ *Биринчидан*, Ўзбекистоннинг мазкур давлат билан сиёсий, хавфсизлик ва энг муҳими – савдо-иқтисодий ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин. Мамлакатимизнинг Ҳинд океани портлари ва Кўрфазга олиб чиқадиган халқаро транспорт коридорларини шакллантиришда Эроннинг аҳамияти жуда катта. Хусусан, Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон мултимодал транспорт коридорини ишга тушириш ва бошқа янги муқобил транспорт ва транзит йўлакларини яратишда Эрон минтақадаги энг муҳим давлатлардандирбири. *Иккинчидан*, ҳозирда Яқин Шарқ, хусусан, Кўрфаз араб давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришни Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятида устувор вазифалардан бирига айланган. Президент Ш.М.Мирзиёев “Кўрфаз араб

¹³ [Aydın Güven. Aydın Güven. Iran's Membership of Shanghai Cooperation Organization: Expectations and Possible Scenarios. 29/09/2021 // https://irancenter.org/en/irans-membership-of-shanghai-cooperation-organization-expectations-and-possible-scenarios-589](https://irancenter.org/en/irans-membership-of-shanghai-cooperation-organization-expectations-and-possible-scenarios-589)

¹⁴ Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв 2022 йил 16 сентябрда бўлиб ўтган ШХТнинг Самарқанд саммитидаги нутқида баён қилган. Шунингдек, мазкур саммит якунида Эроннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзолангани тўғрисида давлат раҳбарларининг қарори имзоланди.

давлатлари – Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитидаги (2023 йил) нутқида сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Кўрфаз мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлаб, сиёсий, иқтисодий, савдо ва транспорт, юқори технологиялар, инвестициялар, экология ва иқдим ўзгаришига мослашиш ҳамда туризм соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини баён этди.¹⁵ Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси мазкур форматдаги иккинчи саммитни мамлакатимизда ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Ўзбекистоннинг Кўрфаз араб давлатлари билан кенг қамровли ҳамкорлигини йўлга қўйиш доирасида ҳам мамлакатимизнинг Эрон билан ШХТдаги мулоқоти қўшимча омил бўлиши мумкин. Бизнингча, айниқса, транспорт-транзит масалаларида расмий Тошкент ва Техрон ташкилот доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Бошқа томондан, Эроннинг ташкилотга аъзолиги Марказий Осиёнинг ШХТдаги “географик ядро” сифатидаги аҳамиятининг камайишига ёки йўқолишига олиб келади, деган хавотирлар ҳам мавжуд.¹⁶ Албатта, ташкилотнинг жўғрофий кенгайиши ва унга бошқа минтакаларда жойлашган, фарқли сиёсий тизим ва иқтисодий ривожланиш моделларига эга, шунингек ташқи сиёсий ёндошувлари турлича бўлган мамлакатларнинг кириб келиши, ШХТнинг “анаънавий кун тартиби”га таъсир ўтказмасдан қолмайди. Шу билан бирга, фикримизча, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ШХТнинг кенгайишидан манфаат топиш йўллари устида ҳамжиҳатликда ишлашлари ва тегишли амалий ҳаракатларни ишлаб чиқишлари муҳим. Бизнингча, ШХТ доирасида Марказий Осиёнинг Яқин Шарқ билан транспорт ўзаро ва иқтисодий боғлиқлигини кучайтириш, Афғонистон муаммосини ҳал этиш ҳамда иқлим инқирозига қарши курашишга йўналтирилган ташаббусларни ҳамжиҳатликда ишлаб чиқиш ва илгари суриш минтақамизнинг барча давлатлари манфаатларига мос келади. Шу каби дипломатик ташаббуслар орқали Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ШХТни янги геосиёсий шарт-шароитларда ўзларининг стратегик манфаатлари йўлида унумли фойдаланиши мумкин.

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Кўрфаз араб давлатлари – Марказий Осиё” олий даражадаги биринчи саммитидаги нутқи. 19.07.2023 // <https://president.uz/uz/lists/view/6494>

¹⁶[Meray Ozat. The SCO Summit: Iran's Accession and Implications for Central Asia](https://www.caspianpolicy.org/research/security-and-politics-program-spp/the-sco-summit-irans-accession-and-implications-for-central-asia) // <https://www.caspianpolicy.org/research/security-and-politics-program-spp/the-sco-summit-irans-accession-and-implications-for-central-asia>

2024 йилда Беларуснинг ШХТга қабул қилиниши билан унинг тўла ҳуқуқли аъзолари 10 тага етди ва ташкилот тарихида илк бор “соф Европа давлати” пайдо бўлади. Бу қайсидир маънода Шанхай ҳамкорлик ташкилоти учун ютуқ. Лекин, Беларуснинг аъзолиги таъшилотдаги “кучлар мувоазанати” ва унинг кун тартибига жиддий таъсир кўрсатмайди, деган фикрдамиз. Бизнингча, Беларуснинг ШХТга аъзолиги Ўзбекистон миллий манфаатларига умуман олганда мос келади. Биринчидан, Ўзбекистон ва Беларус азалий дўст мамлакатлар ва охириги йилларда уларнинг иккитомонлама, айниқса савдо-иқтисодий муносабатлари жадал ривожланмоқда. Иккинчидан, Беларус ШХТда иқтисодий ва транспорт соҳаларида ҳамкорликни устувор деб билади.¹⁷ Айнан мана шу йўналишларда Ўзбекистон ташкилот доирасида ушбу мамлакат билан ҳамжиҳатликда ташаббусларни ишлаб чиқиши ва илгари суриши мумкин.

Келажакда ШХТга тўлақонли аъзо бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли номзодлар Озарбайжон ва Афғонистон бўлиши мумкин.

Озарбайжон 2016 йилдан буён ШХТда мулоқот бўйича шерик мақомига эга ва 2018 йилда кузатувчи мақомини олиш бўйича расман мурожаат қилган. Ҳозирга қадар Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги худудий зиддият туфайли расмий Боқунинг юқоридаги мурожаати юзасидан ШХТ давлатлари ичида яқдиллик шаклланмай келаётган эди. Лекин, Озарбайжон худудий яхлитлигининг тўлиқ қайта тикланиши, яъни Қорабоғ худудининг қайтарилиши билан, ҳам Озарбайжон, ҳам Арманистонни ШХТга кузатувчи сифатида қабул қилиш учун тўсиқ бўлиб келаётган “худудий зиддият” муаммоси йўқолди. Айниқса, ўзига хос “Шарққа” бурилаётган Озарбайжон ташқи сиёсатида ШХТ муҳим кўптомонлама ҳамкорлик платформасига айланиши мумкин.

Афғонистон номзодига келсак, ушбу мамлакат ташкилотда 2012 йилдан бери кузатувчи мақомига эга. Айни пайтда Толибон ҳукуматининг халқаро тан олинмаганлиги сабаб Афғонистоннинг ШХТдаги мазкур мақомда иштироки вақтинча тўхтатилган.¹⁸ Лекин, бу жараён узоқ давом этмаслиги мумкин. Бу ерда, хусусан, “Толибон” ҳаракатининг Россия Федерациясида тақиқланган террорчилик ташкилотлари рўйхатидан чиқарилишини шарҳлар

¹⁷О.П.Рубо. Интересы и перспективы участия Республики Беларусь в Шанхайской организации сотрудничества в качестве полноправного члена. Постсоветские исследования. Т.6. № 2 (2023). С.160-168.

¹⁸Ayjaz Wani. A House Divided: The SCO's Afghanistan Conundrum. Aug 13, 2023 // <https://www.orfonline.org/research/a-house-divided-the-sco-s-afghanistan-conundrum>

экан, россиялик юқори мартабали дипломат Афғонистоннинг ШХТга тўлиқ аъзо бўлиб кириш эҳтимолини истисно қилмаганлиги эътиборга молик.

Ўзбекистон, Марказий Осиё мамлакатлари ва умуман ШХТнинг аксарият иштирокчилари Афғонистонда тез орада барқарорлик ва тинчлик ўрнатилишидан, унинг минтақада кечаётган иқтисодий-ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этишидан манфаатдор. Хусусан, ташкилот аъзоларининг афғон масаласига нисбатан келишилган позиция саммитлар якуни бўйича қабул қилинадиган декларацияларда ўз ифодаси топиб келмоқда. Хусусан, бу ҳақда ШХТнинг Самарқанд декларациясида (2022 йил) шундай дейилади: “Аъзо давлатлар Афғонистондаги вазиятни ҳал қилишни ШХТ ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни сақлашнинг ва таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири деб билади. Улар Афғонистоннинг терроризм, урушлар ва гиёҳвандалардан холи бўлган мустақил, нейтрал, яхлит, демократик ва тинч давлатга айланишининг тарафдорлари”.¹⁹

Агарда яқин келажакда Афғонистонда ички барқарорлик тўлиқ таъминланиб, кучли марказий ҳукумат шакллansa ва у халқаро ҳамжамият томонидан тан олинса, бизнингча, тез орада мазкур давлатнинг ШХТга тўлиқ ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш масаласи кун тартибига чиқиши мумкин. Барқарор, қўшни мамлакатларга хавф солмайдиган ва ишончли шерикликка лойиқ Афғонистоннинг аъзолиги ШХТнинг салоҳияти жиддий оширади ҳамда мазкур давлатнинг минтақавий жараёнларга интеграцияси учун муҳим имкониятлар яратади, деб ҳисоблаймиз.

Бундан албатта Ўзбекистон энг манфаатдор бўладиган давлатлардан биридир. Биринчидан, тинч, хавфсиз ва сиёсий-ҳуқуқий легитимлиги халқаро кўламда тан олинган Афғонистон билан Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорлик масалаларини тизимли муҳокама қилиш имконини беради. Терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси каби таҳдидлардан ташқари бундай долзарб масалалардан бири – бу Амударё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тартибини келишиб олишдир. Айниқса, афғон томонидан Амударё юқори оқимида Қўштепа каналининг қурилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида жиддий хавотир уйғотмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 15

¹⁹ Самарқандская Декларация Совета глав государств-членов Шанхайской организации сотрудничества
<https://rus.sectsco.org/documents/>

сентябр куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида шундай деган эди: “Моҳият-эътиборига кўра, минтақамизда сувдан фойдаланиш жараёнида бизнинг мамлакатларимиз билан ҳеч қандай мажбурият асосида боғланмаган янги иштирокчи пайдо бўлди. Афғон томони канални қуриш бўйича фаол иш олиб бораётганини яхши биласиз. Унинг ишга туширилиши Марказий Осиёдаги сувдан фойдаланиш тартиби ва мувозанатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. “Қўштепа” каналининг қурилиши ва унинг Амударё сувидан фойдаланиш тартибига таъсири билан боғлиқ барча жиҳатларни мамлакатларимиздаги тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда ўрганиш бўйича Қўшма ишчи гуруҳини шакллантириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Афғонистон вакиллари сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга жалб этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз”.²⁰ Иккинчидан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва Жанубий Осиёни янги транспорт коридорлари ва савдо йўллари билан боғлаш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш учун барқарор ва стратегик ҳамкорлик қилишга қодир бўлган Афғонистон муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ШХТнинг Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Беларус ҳисобига кенгайиши ташкилот фаолиятига ўз таъсирини ўтказётган бўлса-да, ҳозирча бу қандайдир кескин эврилишларга, хусусан, унинг геосиёсий моҳиятини ўзгаришига олиб келмади. Бошқа томондан, ШХТ ҳудудининг кенгайиши таъсирида савдо-иқтисодий ва транспорт соҳаларда кўптомонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлари юзага келтирмоқда. Асосий масала – уларнинг қай даражада ҳаётга тадбиқ этилиши. Бунинг учун, энг аввало, ШХТ келгусида ҳам ўз тараққиётини очик ва кенг ҳамкорлик тарафдори ва блоклардан ҳоли бўлган кўптомонлама ҳамкорлик институти сифатида давом эттириши муҳим. Ташкилотнинг айнан мана шундай ривожланиши Ўзбекистон миллий манфаатларига тўлиқ мос.

²⁰Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. 15.09.2023 // <https://president.uz/uz/lists/view/6662>